



UJCR

ISSN 2181-3388

ujcr.uz

eISSN 2181-3876

2023. Том 3, SP

UZBEK JOURNAL OF CASE REPORTS

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ И ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ

международной научно-практической конференции



**Болезни современной цивилизации:
междисциплинарные исследования**

Google Scholar

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU

CYBERLENINKA

READera

| | |
|---|---|
| Yuz-Jag' Soxasida Uchraydigan Furunkul Va Karbunkullarni Davolashni Takomillashtirish Usullari <i>Narziyeva D.B., Muxtorov A.A., Ziyodullayeva M. S.</i> 149 | Йўл Транспорт Ҳодисаларида Ўлим <i>Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.</i> 154 |
| Артериал Гипертензия Ва Семиз- лик Билан Оғриган Беморларда Арте- риал Қон Босимининг Хусусиятлари <i>Нуритдинова Н.Б., Шукурджанова С.М., Махмудова М.С.</i> 149 | Климактерик Синдром Кузатилган Сурунка- ли Буйрак Касаллиги 5 Босқичидаги Бемор- ларда Гемостаз Тизимидаги Ўзгаришлар <i>Исиргапова С.Н.</i> 155 |
| Артериал Гипертензиянинг Covid-19 Ко- ронавирус Инфекциясидан Кейин- ги Даврда Кечиши Хусусиятлари <i>Нуриллаева Н.М., Ярмухамедова Д.З.</i> 150 | Миокард Инфарктида Кичик Дозада- ги Добутамини Стресс-Эхокардиографи- яда Чап Қоринчанинг Бўйлама Систолик Функцияси Қўрсаткичлари Динамикаси <i>Кенжаев С.Р., Убайдуллаева Ш.М., Каиров А.К.</i> 155 |
| Бариатрик Жарроҳликнинг Юрак Қон-То- мир Хавф Омилларига Таъсири <i>Адилова Н.Ш., Шагазатова Б. Х.</i> 150 | Остеопороз Билан Касалланган Аёлларда Пародонт Тўқимаси Касалликларини Қиёсий Ташхислаш Қўрсаткичлари <i>Даминова Ш.Б., Казакова Н.Н.</i> 156 |
| Билатерал Сут Бези Саратони: Даволаш Самара- дорлигини Аниқлашда Клиник, Морфологик Ва Иммуногистохимик Хусусиятларининг Аҳамияти <i>Тугизова Д.И., Фармонова Д.</i> 150 | Периферик Лимфа Тугунлар Туберкулёзида Қўлланиладиган Жарроҳлик Муолажа- ларининг Самарадорлигини Баҳолаш <i>Адилходжаев А.А., Мўминова З.А., Рисқиев А.А., Абдусаматов А.А.</i> 157 |
| Болалар Мия Фалажига Қарши Физиоте- рапия Муолажалари Самарадорлиги <i>Эгамова М.Т., Расулов Ж.Ш.</i> 151 | Периферик Лимфа Тугунлари Туберкулёзида Дориларга Чидамли Микобактери- яларнинг Учраш Частотаси <i>Адилходжаев А.А., Муминова З.А., Рисқиев А.А., Абдусаматов А.А.</i> 158 |
| Бўғим Туберкулёзининг Эрта Ташхислашнинг Замонавий Методлари <i>Газиев З.А.</i> 151 | Реперфузия Самарадорлигига Қараб St Элевацияли Ўткир Миокард Ин- фарктининг Клиник Кечиши <i>Аляви А.Л., Кенжаев С.Р., Убайдуллаева Ш.М., Кенжаев С.Р.</i> 158 |
| Донорлар Популяциясида Torch Инфекциясини Учраш Частотаси <i>Саматова Л.Д., Саидов А.Б., Бобожонова Ш.Д.</i> 152 | Covid19dan Keyin Femur Boshi Aseptik Nekrozining Dastlabki Bosqichining Nurlı Tashxisi <i>Aliaxunova M.Y., Ikromov J.R.</i> 159 |
| Жигарнинг Сурункали Касалликларида Диетотерапияда Маҳаллий Маҳсулотлар Қўллашнинг Самараси <i>Шамуратова Н. Ш., Зокирходжаев Ш.Я., Рузметова Д.А.</i> 153 | Сурункали Кайтоловчи Катарал Гингивитни Физиотерапевтик Усуллар Билан Даволаш <i>Эгамова М.Т., Расулов Ж.Ш.</i> 159 |
| Илк Ёшдаги Болаларда Ўткир Диареяларнинг Оғир Ва Асоратли Кечиш Хусусиятлари <i>Саъдинов П.О., Мустаева Г.Б., Омонова Ч.П.</i> 153 | Сурхондарё Регионида Гипертония Касаллигида Кузатиладиган Церебраваскуляр Асоратларни Ўрганиш <i>Расулова Р.П., Уролов Ў.А.</i> 160 |
| Йўл Транспорт Ҳодисаларида Жароҳатланишлар <i>Жуманиёзов К.Й., Жуманиёзова Г.С., Алимова М.М.</i> 154 | Тизза Бўғими Гонартрозида Магнетотерапия Муолажасини Қўшишнинг Самарадорлигини Баҳолаш <i>Амриллаев У.Ш., Ахмедов И.А.</i> 160 |

ликлари билан касалланган беморларнинг туберкулёз таёқчасига текширув методларидан фойдаланиш касал-

ликнинг эрта асоратланмаган муддатида ташхис қўйиш ва мақсадли даволашда катта аҳамиятга эга.

ДОНОРЛАР ПОПУЛЯЦИЯСИДА TORCH ИНФЕКЦИЯСИНИ УЧРАШ ЧАСТОТАСИ

Саматова Л.Д., Саидов А.Б., Бобожонова Ш.Д.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Долзарблиги. Гемотрансмиссив инфекция масалалари замонавий трансфузиологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. ЖССТ тавсиясига мувофиқ, инфекцияларга текширилмаган донорлар қони ишлатилиши ман этилади. Гемотрансмиссив инфекциялар орасида TORCH – гуруҳидаги инфекциялар (Andre J. Nahmias, 1971): Т (Toxoplasmosis - токсоплазмоз), О (Other diseases - бошқа инфекциялар, яъни сувчечак, ўраб олувчи темирлатки, хламидиоз, гонококкли инфекция, листериоз и б.к.), R (Rubella - кизилча), С (Cytomegalia - цитомегаловирусли инфекция - ЦМВИ) ва Н (Herpes simplex – оддий герпесни 1 ва 2 типлари чакирган инфекциялар) муҳим ўрин эгаллайди.

Тадқиқот мақсади. Республика қон қуйиш марказидаги донорлар популяциясида TORCH инфекцияларини серологик тарқалишини ўрганиш.

Материал ва услублар. Ушбу тадқиқот учун Республика қон қуйиш марказида 2022 йил октябрь - ноябрь ойида ихтиёрий қон топширган 90 нафар донор қон зардоби ажратиб олинди. TORCH инфекцияси мавжудлигини аниқлаш учун иммунофермент анализ (ИФА) ўтказилди ва қон зардобидидаги специфик антитанача иммуноглобулин G (IgG) аниқланди.

Натижалар. Олинган натижаларга асосан 90 нафар

донорнинг 66 нафари эркак ва 24 нафари аёллардир. Донорларнинг ёш кўрсаткичи 18-60 ёшни ташкил этди. 90 нафар донорнинг 20 нафар (20/90) 22,2% ида токсоплазмоз, 90 нафар (100%) ида ЦМВ, 88 нафар (100%) ида RUBELLA вируси ва 90 нафар (100%) ида оддий герпес вируси серопозитивлиги аниқланди. Серопозитив токсоплазмозли донорларнинг 13 (65%) нафарини эркак ва 7 (35%) нафарини аёллар, ЦМВ нинг 66 (73,3%) нафарини эркак ва 24 (26,7%) нафарини аёллар, кизилчанинг 64 (71,1%) нафарини эркак ва 24 (26,7%) нафарини аёллар, оддий герпес вирусининг 66 (73,3%) нафарини эркак ва 24 (26,7%) нафарини аёллар ташкил этди.

Хулоса. Баъзан қон топшириш кимнингдир ҳаётини сақлаб қолиши мумкин. Герпес билан касалланган одамлар ҳам донор бўлишлари мумкин, аммо фақат ремиссия даврида. Ахир, вирус фаол бўлса, донор қонини қуйган бемор соғлигига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун тутиш керакки, ташувчининг танасида герпес вируси умри давомида сақланиб қолади. Ремиссия даврида вирус қонда эмас, балки нерв ҳужайраларида жойлашади, шунинг учун донорлик учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Ремиссия қон қуйиш имконини беради ва қонга муҳтож бўлган беморларга юқтириш хавфи йўқ.

ЖАНУБИЙ ОРОЛ БЎЙИ МИНТАҚАСИДА СИЛ КАСАЛЛИГИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИНИНГ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хамраев А.К.¹, Юлдашев Г.К.²

¹ Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази, Тошкент, Ўзбекистон

² Қорақалпоғ ўстон Республикаси ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази, Қорақалпоғ ўстон Республикаси, Ўзбекистон

Сил касаллиги XXI асрда ҳам инсоният тараққиётига раҳна солиб келаётган инфекция касалликлардан бири бўлиб, инсонлар ўлим сабабларининг биринчи ўнталигига киради. Сил билан касалланишнинг энг юқори даражаси аҳоли даромадлари паст ва ўртачадан паст давлатлар улушига, аҳоли ўртасида эса айнан даромади паст ва ўртачадан паст аҳоли қатламлари улушига тўғри келади. Сил касаллиги эпидемиясининг узок муддат сақланиб қолишига бир қатор экзоген ва эндоген омиллар сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси, айниқса Қорақалпоғистон Республикасининг (ҚР) шимолий, шимолий-ғарбий ва марказий ҳудудларида жамоат саломатлиги тизими учун сил касаллигининг юки оғирлигича қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: Қорақалпоғистон Республикасидаги сил бўйича мураккаб эпидемиологик вазиятга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари: ҚРсининг жанубий, марказий, шимолий ва шимолий ғарбий ҳудудларидаги сил касаллиги билан бирламчи касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини Ўзбек сил касаллигини ўрганиш илмий тадқиқот институтининг архив маълумотлари ва сил касаллиги бўйича расмий статистик ҳисоботлари қиёсий ретроспектив ўрганилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси: ҚРсида 2002 йилдан бери сил касаллиги билан касалланиш ва унинг оқибатидаги ўлим ҳолатлари стабил камайиш тенденциясига эга бўлсада, минтақанинг шимолий, шимолий-ғарбий ва марказий ҳудудларидаги сил билан бирламчи касалланиш кўрсаткичлари унинг жанубий ҳудудлари-

даги, шунингдек Ўзбекистон Республикасидаги сил билан бирламчи касалланиш ўртача кўрсаткичларига нисбатан 2-8 марта юқориликча қолмоқда. Кейинги йилларда минтақада сил касаллиги бўйича ўтказилган аскарият илмий тадқиқотларда бу вазиятни Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган мураккаб ижтимоий иқтисодий вазият билан боғлаб келинган.

ҚРсидаги сил касаллиги билан касалланишнинг Орол денгизи қуришининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан боғлиқлигини ўрганиш мақсадида Орол фожияси бошлангунга қадар бўлган даврдаги сил касаллиги бўйича эпидемиологик вазият Ўзбекистон Республикаси илмий техник ва тиббий ҳужжатлари Миллий архивида сақланаётган силни ўрганиш ўзбек илмий тадқиқот институтининг 1940-1960 йиллардаги архив материаллари асосида ўрганилди. Архив маълумотларига кўра, ушбу даврда ҳам Жанубий Орол бўйи минтақасидаги сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикасининг ўртача кўрсаткичларидан 2,25 марта юқори бўлган. Минтақанинг жанубий ҳудуди бўлган Тўрткул, Беруний ва Амударё туманларидаги сил билан касалланиш кўрсаткичлари шимолий ва шимолий ғарбий ҳудудлардан бўлган Чимбой ва Мўйноқ туманларидаги кўрсаткичларга нисбатан 2-4 марта, Қорақалпоғистон Республикасининг ўртача кўрсаткичларидан 3 марта паст бўлган. Минтақадаги сил оқибатидаги ўлим кўрсаткичлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг ўртача кўрсаткичларидан 2-3 марта юқори бўлган. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида умумий ўлим кўрсаткичлар ҳозиргидан 2 марта, сил оқибатидаги ўлим кўрсаткичлар 100 марта